

Самарканд шаҳри
 ООО "SAMARKAND EKO MED", кейинги ўринларда "Етказиб берувчи" деб юритилади. Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи директор Гулямов Т.Р, номидан, бир томондан ва Самарканд ТТБ, кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади, Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи Сувонов.Т.А номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Етказиб берувчи ўзига тегишли бўлган товар(дори-дармон воситалари)ни ушбу спецификацияга асосан Буюртмачига ўз вақтида сифатли қилиб етказиб бериш, Буюртмачи эса товар(дори-дармон воситалари)ни қабул қилиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

№	Дори воситалари номи	У/Б	Сони	Нархи	Баҳоси	ККС	Баҳоси ККС билан
1	Эпинефрин 0,18% 1мг №10 (Адренолин)	уп	10	20 300	203 000	ККС сиз	203 000
2	Натрий хлорид (Натри Хлор 0,9% 200мл)	уп	1871	3 200	5 987 200	ККС сиз	5 987 200
3	Новокаин 0,5 % 5х10 (Прокаин)	уп	300	4 300	1 290 000	ККС сиз	1 290 000
4	Цефтриаксон 1гр	уп	3000	4 750	14 250 000	ККС сиз	14 250 000
5	Аскорбинка кислотаси 2х10	уп	200	4 600	920 000	ККС сиз	920 000
6	Левовлакссацин раствор (Левамакс 0,5% 100мл)	уп	70	9 300	651 000	ККС сиз	651 000
7	Дротаверин (Нош-па амл. №25)	уп	20	119 000	2 380 000	ККС сиз	2 380 000
8	Церебролизин 10мл №5	уп	5	350 500	1 752 500	ККС сиз	1 752 500
9	Декстроза (Глюкоза 5%200мл)	уп	122	3 200	390 400	ККС сиз	390 400
10	Дексаметазон 2х10	уп	80	8 700	696 000	ККС сиз	696 000
11	Калия Магния Аспаргинат 200 мл	мг	100	38 800	3 880 000	ККС сиз	3 880 000
12	Окситоцин 5 МЕ 1 мл №10	уп	100	6 100	610 000	ККС сиз	610 000
13	Сорбитол+натрий лактат+натрий хлорид+кальций хлорид+калий хлорид+магнийхлорид(Рингер лактат 200 мл)	уп	200	3 600	720 000	ККС сиз	720 000
14	Дигоксин 0,25 % 1 мл № 10	уп	10	17 200	172 000	ККС сиз	172 000
					33 902 100		33 902 100
Жами: 33 902 100 (Уттиз уч миллион туккиз юз икки минг бир юз сум 00 тийин)							

2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ

2.1. "Буюртмачи" мазкур шартномани ғазначилик бошқармасида рўйхатга олинган кундан бошлаб 3 банк иш куни ичида қонунчиликка мувофиқ, шартнома умумий суммасидан 30% миқдорида (шартнома суммасидан миқдорида) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70 % ни товарни олгандан сўнг банк иш куни ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҳисоб-фактура ва в.б. асосида тўлайди.

2.2. "Етказиб берувчи" аванс маблағлари Етказиб берувчининг тегишли ҳисобварағига қелиб тушган вақтдан бошлаб 3 банк иш куни ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.3. "Етказиб берувчи" амалдаги ГОСТ га мувофиқ товарни етказиб бериши шарт.

2.4. "Буюртмачи" товарларни қабул қилишда "Етказиб берувчи" иштирокида олинаётган товарларнинг тўлиқлигини ва сифатини шартноманинг 1.1-бандида кўрсатилган товарларга мувофиқлигини текшириши шарт.

2.5. Агар мазкур шартнома билан бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, товарларни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар Етказиб берувчи ҳисобидан амалга оширилади.

2.6. Буюртмачининг розилигига кўра товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.

2.7. Етказиб берилган товар бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади ва унда етказиб берилган товарларнинг миқдори, унинг сифати кўрсатилади.

2.8. Мазкур шартномада кўзда тутилган товарларни етказиб бериш, мазкур шартномага мувофиқ амалга оширилади.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

Етказиб берувчидан шартномани бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Буюртмачи ҳисобидан товарлар ташиб келтирилганда, Етказиб берувчидан транспорт харажатларини қоплаб бериш талаб қилиш, агар мазкур шартноманинг шартлариджа бошқа ҳоллар белгиланмаган бўлса;

Етказиб берувчидан мазкур шартномага мувофиқ, тегишли сифат, ассортимент бўйича товарларни етказиб бериш талаб қилиш;

Сифатсиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра қуйидагилардан бирини талаб қилиш:

- тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар билан алмаштириб бериш;
- камчиликларни бегараз бартарф этиш;